Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 15-aprel, seshanba № 47 (3396)

Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажагимиз бугун унибўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

Осиё чемпионати

Муносиб иштирок

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган II ўсмирлар Олимпия ўйинларига иккита йўлланма олди.



Қитъанинг 21 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур чемпионатда Осиёнинг энг кучли спортчилари аниқланди.

Мусобақанинг дастлабки куни ўтказилган жамоавий кўпкураш мусобақаларида ўсмирларимиз (Тимур Қодиров, Элёр Исломов, Азиз Саидумаров, Ҳамид Содиқов, Мирабзал Фозилов) умумий ҳисобда 236,5 балл жамғариб, учинчи ўринга кўтарилди.

Қоидага кўра, мазкур Осиё чемпионатида иштирок этган ҳар бир давлат кўпи билан иккитадан йўлланмага эга бўлиши мумкин. Қувонарлиси, қизлар терма жамоамиз (Турдихон Исломова, Вероника Орлова, Ксения Ким, Элвира Юрева и Линара Сулайманова) ҳам ўзларига билдирилган ишончни оқлади. Қизларимиз жамоавий мусобақаларда кучли учликдан ўрин эгаллаб, ўсмирлар Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритишди.

Мусобақанинг қизлар ўртасидаги баҳсларида иқтидорли гимнастикачимиз Турдихон Исломова хода устида машқ бажариш бўйича 14,075 балл жамғариб, Осиё чемпиони бўлди. Эркин машқ бажаришда ҳам ўз маҳоратини намойиш этган спортчи қизимиз 13,75 балл билан бронза медал, таяниб сакраш баҳсида эса 14,325 балл билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг алоҳида предметлари бўйича финал баҳсларида умидли спортчимиз Темур Қодиров 14,05 балл билан шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади.

Бугунгача мамлакатимиз спортчилари томонидан ўсмирлар Олимпиада ўйинларига қўлга киритилган йўлланмалар сони 19 тага етди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
ЎзА фотомухбири
Муҳаммад АМИН
олган сурат

«Касаба-тур — 2014»

Саломатлик тенгсиз хазина эканлиги ҳаммамизга кундек равшан. Ва не бахтки, уни асрашнинг минглаб йўллари бор. Ўша минглаб усуллардан энг афзали тана ва руҳни чиниқтиришдир. Бунда, айниқса, спорт жуда қўл келади. Кейинги пайтларда касаба уюшма аъзолари ўртасида оммалашиб бораётган велоспорт шундай фойдали машғулотлардан.

Уюшқоқлик ва кўтаринки кайфиятда

Апрелнинг дастлабки кунларидан бошлаб «Касаба-тур — 2014» веломарафонининг туман босқичлари мамлакатимизда оммавий равишда ташкил этилди. Жумладан, намангановликлар ҳам мазкур оммавий мусобақаларга ўзига хос тайёргарлик кўришди. Поп, Учқўрғон, Норин, Наманган туманларидаги марафон одатдагидан кўра уюшқоқлик билан ўтказилди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир туманда веломарафонни тарғиб этувчи баннер ва кўргазмалар тайёрланиб, спорт мажмуалари байрамона безатилганлиги кутилганидан аъло натижа берди. Буни, хусусан, иштирокчиларни қўллаб-қувватловчи, ўз навбатида тадбирга қизиқиши юқори бўлган томошабинлар сонининг кескин ортганида ҳам кўриш мумкин.

— Веломарафоннинг биринчи босқичи ҳар тармоққа қарашли бошланғичларда Низом талаблари асосида ўтказилди, — дейди Янгиқўрғон туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Нигора Абдураҳмонова. — Яна бир қувонарли ҳол: томошабинлар орасида меҳнат жамоалари аъзоларидан ташқари, халқ вакилларининг ҳам борлиги, уларнинг касаба уюшмалари фаолиятидаги қамровнинг кенгайиб бораётгани хусусидаги ижобий фикрлари бизни янада руҳлантирди. Шундай кўтаринки кайфиятда бошланган тадбиримиз баҳсларга бой бўлди.

Мусобақа натижаларига кўра, 10-умумтаълим мактабининг спорт тўгараги раҳбари О.Юсупова «Энг ёши улуғ пойгачи», Исковот озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Б.Асқаров «Энг маҳоратли пойгачи», 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Д.Раҳматова «Ғалабага бўлган интилиши учун», 31-спорт мактаби ўқитувчиси И.Юсупов «Энг ёш пойгачи» номинацияларида ғолибликни қўлга киритишди.

Таъкидлаш ўринлики, велоспорт мусобақаларида вилоятдаги жами туманлар бўйича 1200 дан зиёд ишчи-ходим қатнашди. Улардан 240 нафари аёллар эканлиги янада қувонарли бўлди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

***

Пешку туман марказида кўпчиликнинг ҳавасини келтирган тадбир бўлиб ўтди. Тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма ташкилотларидан элликдан ортиқ ҳаваскор веломарафонга ташриф буюрди.

Ниҳоят, икки гуруҳга старт берилди. Қизғин ва муросасиз ўтган баҳслар якунида ғолиблар аниқланди. 20-35 ёшли ҳаваскор велоспортчилар орасида «Рустам Жонибек саховати» фермер хўжалиги аъзоси Ҳамид Ҳайитов маррага биринчи бўлиб етиб келди. 35 ёш ва ундан катталар баҳсида эса Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши вакили Жавоҳир Ҳакимов ғолибликка эришди.

Тадбир иштирокчилари мазкур веломарафондан мамнун эканликлари ва бундан кейин сафни янада кенгайтиришларини айтган ҳолда, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар.

Умида САФАРОВА,
«Пешку» бирлашган фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси раиси

***

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сирғали туман кенгаши ташкил этган веломарафонда 20 дан ортиқ ҳаваскор 34-Олимпия умидлари спорт мажмуасида беллашди.

Баҳсларда А. Юсупов (104-умумтаълим мактаби) ҳамда (27-БЎСМ) И. Чернишова (8-умумтаълим мактаби) шоҳсупанинг биринчи поғонасини эгаллади.



Веломарафон якунлари бўйича ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Ғолиблар кейинги босқичга йўлланмаларни қўлга киритдилар.

Ўз мухбиримиз

ЎзКУФК Ўқув марказида

Ушбу давра суҳбати Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшма тизимидаги бошланғич ташкилотлар раислари ва фаоллари учун уюштирилган ўқув машғулотлари доирасида ташкил этилди.

Унда тармоқ Марказий кенгаши раиси А.Ишанходжаев мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифаларига тўхталиб ўтди.

Хусусан, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича 2014 йилга мўлжалланган қўшма тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ва уларни амалга ошириш механизми юзасидан фикр алмашилди.

«Касаба уюшма куни»

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш, меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган ишларни амалга ошириш ва бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, соғломлаштириш сифатини ошириш борасидаги фаолиятни тизимли равишда давом эттириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари, жумладан, кичик бизнес субъектлари, оилавий тадбиркорлар, хорижий инвестиция асосида ташкил қилинган қўшма корхоналарни касаба уюшмасига жалб этиш тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кенг муҳокама этилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган маданий-оммавий ва спорт тадбирларига жиддий ёндашиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, расмий веб-сайт ва оммавий ахборот воситалари орқали фаолиятнинг устувор йўналишлари ижроси, жамоа шартномаларида ходимлар учун белгиланган имтиёзлардан кенг оммани хабардор этиб бориш лозимлиги юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Марказий кенгаш етакчи юристконсулти А.Аҳмедов Сурхондарё вилоятидаги тармоқ бошланғич ташкилотлари фаолиятини ўрганиш якунлари мисолида ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг вазифаларига эътиборни қаратди. Унда бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш жараёнида кўзга ташланаётган камчиликларни бартараф этиш, амалий ёрдам беришда ушбу ҳолатларга алоҳида аҳамият қаратиш борасида сўз юритилди.

Кўтарилган масалалар юзасидан ҳудудлардан келган касаба уюшма етакчилари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган такомиллашув натижасида бошланғич ташкилотлар имконияти кенгайиб, ходимлар манфаатини ҳимоялаш янада кучайгани эътироф этилди. Шунинг баробарида фаолият жараёнида юзага келаётган айрим муаммолар ўртага ташланди ва мутахассислар томонидан тегишли жавоблар берилди.

Беш кунлик ўқув машғулотлар дастуридан ўрин олган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, иш жараёнида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида юзага келаётган муаммолар жойида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз

2014 йил – Соғлом бола йили

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Она ва бола саломатлиги — доимий эътиборда

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни камолга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган мақсадли дастур асосида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Жойларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларидан ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларигача бўлган бўғинда халқимиз, хусусан, фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларга юксак технологиялар асосида тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими яратилди. Она-бола скрининг хизмати, перинатал тиббиёт муассасалари тармоғи изчил ривожланаётир. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш замон талабларидан ва тиббиёт ютуқларидан келиб чиқиб, мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида шифобахш моддаси бўлган поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида туғруқ жараёнида ва ундан кейинги даврда аёл саломатлигига салбий таъсир этувчи асоратлар ва вазни кам болалар туғилишининг олдини олиш, оналар ва болаларнинг саломатлик кўрсаткичини яхшилашга эришилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий-ижтимоий муассасалар тубдан таъмирланиши, бир қатор янги иншоотлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётир. Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали яна бир хушхабар эълон қилинди: Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом бола йили» Давлат дастури БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар, орттирилган илғор тажриба, эришилаётган натижалар, ечимини кутаётган долзарб вазифалар хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Ёзги соғломлаштириш

Барчаси фарзандларимиз учун

Жорий йилда болалар оромгоҳларини дам олиш мавсумига ўз вақтида тайёрлаш ва соғломлаштиришни намунали ўтказиш мақсадида Қашқадарё вилоят ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, тасарруфида оромгоҳи мавжуд корхоналар раҳбарлари, болалар оромгоҳлари директорлари, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашларининг масъул ташкилотчилари, оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича бириктирилган масъуллар, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, касаба уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, Мувофиқлаштириш гуруҳ раиси муовини Ғайрат Жавлиев олиб борди.

Кун тартибидаги масала бўйича вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ котиби Исоқ Аҳмедовнинг ахбороти эшитилди.

— Вилоятда ўтган йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида режадаги 25740 нафар ўрнига 28301 нафар бола дам олдирилди, — деди у, жумладан. — Жорий йилда оромгоҳларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш мақсадида вилоят ҳокими ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати томонидан қўшма қарор қабул қилинди.

Соғлом бола йилида 26240 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш ва дам олдириш режалаштирилган. 16180 та йўлланма учун ижтимоий суғурта фондидан маблағ ажратилиши, 10060 нафар болани дам олдириш эса туман, шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда ҳомий ташкилот, корхона, муассаса ва тадбиркорлар ҳисобидан амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби ва турли йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, тасдиқланган бўлиб, улар ўз йўналишлари бўйича ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди.

Йиғилишда вилоятдаги ҳар бир оромгоҳнинг бугунги кундаги аҳволи юзасидан ахборотлар эшитилиб, уларни мавсумга ҳар томонлама пухта ҳозирлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўз мухбиримиз

2-саҳифа

Ishonch
2014-yil 15-aprel № 47 (3396)

■ Ёзги соғломлаштириш

Болалар фаровон турмушимиз, бахтли келажагимиз пойдеворидир. Агар бу пойдевор миллий қадриятлар асосида мустаҳкамланса, нур устига нур бўлади. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда ўғил-қизларимиз тарбияси, таълим олиши ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор берилаётир.

Баркамол авлод – элга қанот

Соғлом бола йилида Навоий вилояти бўйича 16 минг 20 нафар ўғил-қизнинг ёзги оромгоҳларда кўнгилли дам олиши режалаштирилган. Уларнинг 9 минг 520 нафари Навоий тоғ-металлургия комбинати маъмурияти ва касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан, 2 минг нафари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ягона ижтимоий тўловлар маблағи ҳамда шаҳардан ташқари оромгоҳлар ҳисобидан амалга оширилади. 4 минг 500 нафар ўғил-қиз эса вилоятнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, кундузги мактаболди оромгоҳларида соғломлаштирилади.

Ёзги мавсумда болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, «Қизилқумцемент» ОАЖ тасарруфидаги «Шабода», «Навоийазот» ОАЖ тасарруфидаги «Офтобжон» сингари қатор оромгоҳларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари фаол олиб борилаётир. Корхоналар томонидан оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш учун тегишли маблағлар ажратиш режалаштирилган. Шунингдек, оромгоҳлар учун педагог ходимларга бўлган эҳтиёж аниқланиб, ҳозирда саралаш ишлари олиб борилаётир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфида бўлган Кармана туманидаги «Ишонч» болалар оромгоҳида ҳам тубдан таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Айни дамда 3 минг тупдан ортиқ манзарали ва 350 туп мевали дарахт ниҳоллари ўтказилди, йўлак четлари гулзорларга айлантирилмоқда. Таъмирлаш ишлари ҳам ниҳоясига етиб қолди.

Аммо Томди туманидаги «Арай», «Электрокимёзаводи» ЁАЖ тасарруфидаги «Камалак», Қизилтепа туманидаги «Нимкон», «Дўстлик» оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Эътиборсизлик мавсумда ўз таъсирини кўрсатмасмикин?!

Н.НУРМОНОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири



Масъулиятли мавсум

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йил мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мазмунли ташкил этишга алоҳида тараддуд кўрилмоқда. Кўкламнинг илк кунлариданоқ Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қўшма қарорида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бошлаб юборилди.

Ҳудуддаги 22 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қарийб 11,5 минг туп турли дарахт кўчатлари ўтқазилди. «Дўстлик», «Соғлом авлод», Амир Темур номли, «Қувноқ», «Золотинка» ва бошқа қатор оромгоҳларда ҳашар ташкил этилиб, ҳудуд тартибга келтирилди. «Баркамол авлод» оромгоҳида соя-салқин жойларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда шу кунгача экилган ниҳоллар 11 минг 100 тупдан ошди.

Бу йил вилоят меҳнаткашларининг 22320 нафар фарзандини соғломлаштириш кўзда тутилаётир. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган хонадонлар фарзандларини дам олдиришни молиялаштириш, ҳомийлик ҳаракати кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилаётир. Ишчи гуруҳлари томонидан ҳар бир оромгоҳдаги мавжуд қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар миқдори ва аҳволи ўрганиб чиқилди.

«Соҳибкор», «Оқдарё», «Хумор» оромгоҳларини жорий йилда тўлиқ таъмирдан чиқариш мўлжалланаётир. «Дўстлик» оромгоҳида қурилиш-таъмирлаш, қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, ускуна ва анжомлар билан таъминлашга масъул этиб белгиланган «Самарқанд транс» маркази ҳозирдан тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги ёзги таътил болалар учун ҳар жиҳатдан мароқли, мазмунли ўтиши таъминланади.

Анвар ШЕРМАТОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

■ Матбуот анжумани

O'ZBEKISTON MILLIY MATBUOT MARKAZI
NATIONAL PRESS-CENTRE OF UZBEKISTAN

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси навбатдаги матбуот анжуманини ўтказди. «Компания корхоналари томонидан инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш борасида амалга оширилган ишлар» мавзусидаги анжуман электр энергетикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, инвестицион дастурларнинг ҳолати ва уларни амалга ошириш масалаларига бағишланди. Унда «Ўзбекэнерго» ДАК Бошқарув раисининг ўринбосари Р.Раимов, компаниянинг етакчи мутахассислари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Лойиҳалар амалга оширилмоқда

Маълумотларга кўра, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ҳамда йиллик қабул қилинган инвестиция дастурларига асосан компания томонидан янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш, электр энергияси тармоқларини такомиллаштириш кенг кўламда модернизациялаш сиёсати олиб борилмоқда. Мазкур дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йилга қадар умумий қиймати 8 миллиард АҚШ доллари бўлган 40 дан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бунда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Японияннинг халқаро ҳамкорлик агентлиги, Хитойнинг «Эксимбанки» каби халқаро молия институтлари маблағи жалб қилинмоқда.

Жорий йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 750 миллион АҚШ долларига тенг капитал маблағлар ўзлаштирилиши ва 6 та лойиҳа бўйича ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, замонавий буғ-газ ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва уларни ишлатишда мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув марказлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда ўқув марказлари моддий-техник базасининг таъминланиши бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Дарвоқе, саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили компания корхоналарида 1600 дан ортиқ иш ўрни яратилди. 12500 дан зиёд касб-ҳунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида тизимда талабалар, ёш олимларнинг илмий фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасидаги ишлар хусусида сўз борди.

Иқтидорли, демак, келажаги бор

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов олий таълим тизимида ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар сифати, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, шунингдек, қатор меъёрий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, олий таълим тизимида иқтидорли талаба, ёш олимлар билан ишлашни янада ривожлантириш борасида самарадорликка эришилмоқда. Ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, илм-фан сифатини ошириш, ёш кадрлар захирасини тайёрлашда кўмаклашиш мақсадида ОТМларда «Талабалар илмий-ижодий жамият»лари (ТИИЖ) ва «Ёш олимлар кенгаши» ташкил этилди.

Ҳозирда ёш олимлар, жумладан, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, бакалавриат ҳамда магистратура талабалари давлат маблағи билан таъминланган лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган ишланмаларга кенг жалб этилмоқда.

Умуман олганда, амалга оширилаётган бу ишлар натижасида 2010-2013 йилларда шу асосда олиб борилган тадқиқотларда иштирок этган бакалавриат ва магистратура талабалари 1400 нафардан 3000 нафарга ошди. Мустақил изланувчилар эса 500 нафарни ташкил этиб, катта илмий ходим-изланувчилар 230 нафарга етди.

Ўз мухбиримиз

Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар

Умрининг 35 йилини касаба уюшмалари молиявий тизимини мустаҳкамлашга, жамоат ташкилотининг нуфузини янада оширишга бағишлаб, ҳалол ва самарали меҳнати билан эл олқишига сазовор бўлиб келаётган Тўлибой Тўйчиев бугун ўзининг олтмишинчи баҳорини қаршилаяпти...

Меҳнатидан барака топган

...Пурвиқор тоғлар бағридаги сўлим Бахмалнинг олис қишлоқларидан бири — Сўпида туғилиб, вояга етган Тўлибой ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. У меҳнат фаолиятини Зафаробод туманидаги хўжаликлардан бирида ҳисобчиликдан бошлади. Бир йиллик ҳарбий хизматдан сўнг уни Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ишга таклиф қилишди. Бирлашмада тафтишчи, назорат-тафтиш бўлими бошлиғи, тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари, ижтимоий суғурта бўлимида бош ҳисобчи бўлиб ишлади. Айни пайтда устоз мазкур бўлимда етакчи мутахассис вазифасида фаолият юритаётир.

У ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, билими, чуқур молиявий таҳлил қила билиш қобилияти, ўзгаларга самимий ва дўстона муносабат сингари инсоний фазилатлари билан вилоят тармоқ, шаҳар, туман ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, шунингдек, жамоада катта обрў-эътибор топган.

Яхши гулга болари қўнади, деганларидек, Тўлибой аканинг ўнлаб шогирдлари иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг етмиш йиллик юбилейида қатнашган Тўлибойда ёзишга ҳавас кучайди. Унинг «Улуғ йўл давом этмоқда», «Катта ариқ» каби қишлоқ ҳаётидан эсселар, «Жаҳон файласуфлари дурдоналари», «Муҳаббат, ҳаёт, бахт» тўпламлари нашрдан чиқди.

Дарвоқе, Сўпи қишлоғидаги ташландиқ жойда ўзи яратган ярим гектарлик боғ унинг севимли маскани.

Инсонга наф келтиришдек олижаноб ниятдан қувват олиб яшаётган Тўлибой Тўйчиевга бу шарафли йўлда сира толманг, деймиз.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

«Жозиба»нинг жозибали мебеллари

Қумқўрғон туманидаги «Жозиба» хусусий корхонасида ўттиз турга яқин мебел ишлаб чиқарилмоқда.

Етти йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган корхона маҳсулотлари пишиқлиги, сифати ва ҳамёнбоплиги билан харидорларга манзур бўлаётир. Йигирма нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилаётган корхона замонавий тарзда жиҳозланган.

Суратларда: *»Жозиба» хусусий корхонаси ишчиси Низомиддин Каримов; корхона маҳсулотлари.*

ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар

Маънавият

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида «Абдулла Қодирий — илм-маърифат қуйчиси» мавзуида китобхонлар анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда АКМ директори Р.Ражабов «Абдулла Қодирий — ўзбек романчилигининг асосчиларидан бири» мавзуида маъруза қилди. Шундан сўнг НДКИ ҳузуридаги академик лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Илм-маърифат қуйчиси

Ў.Мардонов, Н-ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор А.Шокиров ёзувчи асарлари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирди.

НДПИ ҳузуридаги 1-академик лицейи ўқувчиларининг «Ўткан кунлар» романидан саҳна кўринишлари намойиши, ёзувчи асарлари юзасидан ўтказилган савол-жавоблар барчага манзур бўлди.

Тадбирда «Сўзга нур бағишлаган адиб» ва «Қалби пок соҳибқалам» мавзуларида электрон китоб кўргазмалари ташкил этилди. Фаол китобхонларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқлар топширилди.

М.ҒАФУРОВА,
АКМ касаба уюшма қўмитаси раиси

■ Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Қарши давлат университетида иш берувчи, ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бирдамлик қирралари

Университет ректори вазифасини бажарувчи Лутфулла Ёзиев жамоа шартномасига асосан амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди.

Таъкидландики, ўтган йил иш берувчи маблағи ҳисобидан 125 нафар профессор-ўқитувчи (шундан 8 нафари хорижий мамлакатларда) ўз малакасини оширди. Шунингдек, 253 нафар ходимга тегишли миқдорда моддий ёрдам кўрсатилиб, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашган 941 нафар ходим моддий рағбатлантирилди. Бундан ташқари, узоқ йиллар университетда самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сура устоз ва шогирдларга тиббий хизмат кўрсатаётир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини йўлга қўйиш мақсадида иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган битимга асосан ўтган йилда 38 млн. сўм маблағ сарфланди. Ходимлар бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ суғурта қилинди. Ноқулай меҳнат шароитида банд ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал, бошқа гигиеник воситалар билан таъминланди.

Университетнинг ходимлар касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Файзиев қўмита томонидан бажарилган ишлар ҳақида гапириб, тарихий шаҳарларга қилинаётган саёҳатлар, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш тадбирларига алоҳида тўхталди.

—1500 ўринли замон талабига жавоб берадиган, барча қулайликка эга ўқув биноси, ходимлар ва талабаларнинг дам олиши учун яратилган сайилгоҳ, янги спорт зали, 420 ўринли талабалар турар жойларининг фойдаланишга топширилиши ўта хайрли иш бўлди, — деди у. — Ҳозирда ҳам университетимизда бунёдкорлик ишлари тўхтагани йўқ. Хусусан, замон талабига мос уч қаватли ахборот-ресурс маркази ҳамда талабалар турар жойларини таъмирлаш жараёни давом этяпти.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сизнинг адвокатингиз

Қонунга асосланиб иш юритган панд еб қолмайди. Аммо айрим ташкилотларда қонун доирасидан четга чиқиш, ходимлар тақдирига бефарқ муносабат кузатилаётгани ачинарлидир. Пастдарғом туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида шундай ҳолат юз берди. Ташкилот раҳбарининг бир йўла тўрт нафар ходимни эгаллаб турган вазифасидан озод этиши ҳақли эътирозларга сабаб бўлди.

Апелляция тартибида ишга тикланди

Ўтган йилнинг 12 декабрида марказ ходимлари Норбуви Ашурова, Зебо Умарова, Юнус Мирзаев ҳамда Саодат Дўсмуродовалар Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига шикоят хати йўллаб, маъмурият уларни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатганлиги боис ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб беришни сўрашди. Касаба уюшма ҳуқуқшунослари масалани ўрганиб, меҳнат шартномасини бекор қилишда маъмурият томонидан бир қатор қонун талабларига риоя этилмаганини аниқладилар. Жумладан, тўртала ходим ҳам турли сабабларга кўра октябр ойининг охирги ўн куни давомида ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беришга мажбур бўлган. Бироқ улар меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ билан ариза ёзилганидан икки ҳафтадан кўп муддат ўтгач таништирилган. Бу муддат давомида ходимлар фаолиятини давом эттириб келган. Ваҳоланки, МКнинг 99-моддасига асосан ходим меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш тўғрисида иш берувчини икки ҳафта олдин огоҳлантиришга ҳақли экани қайд қилинган. Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида маъмурият МКнинг 107-, 109-, 110-моддаларини ҳам бузган.

Шуларга асосланиб бирлашма Пастдарғом туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига ходимларни ишга тиклаш тўғрисида тақдимнома юборди. Бироқ маъмурият ҳуқуқшунос талабларини қондиришдан бош тортди. Натижада, касаба уюшмалари ходимлар манфаатини кўзлаб Пастдарғом туман фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суд тарафлар кўрсатган важларни кўриб чиқиб, ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқлар асосли эканини эътироф этди. Касаба уюшмасининг ходимларни ўз жойига қайта тиклаш ҳамда моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвосини рад қилди.

Табиийки, касаба уюшма ҳуқуқшуносларини суд қарори қониқтирмади. ФИБ Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ариза киритди. Жорий йилнинг 13 март куни бўлиб ўтган судда масала ҳар томонлама кўриб чиқилиб, Пастдарғом туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза марказининг ходимларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқлари ғайриқонуний деб топилди. Ажримга асосан маъмурият ходимларни ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган даври учун иш ҳақларини тўлаб беришга мажбур.

Фаррух САЪДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Хотира уйғонса, гўзалдир

Андижон вилоятидаги таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу ёруғ оламда ўчмас чироғим



Жумладан, Жалақудуқ тумани Жанубий Оламушук шаҳарчасидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими ҳамкорлигида «Бу ёруғ оламда ўчмас чироғим» мавзуида адабий-бадиий кеча ташкил этилди.

Унда шоирнинг синглиси Муҳаббатхон Юсупова ва жияни Ойдиной Ҳайдарова, Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган «Шоир қиссаси» номли китоб муаллифи, шоира Соҳибахон Ҳошимова ҳамда адабиёт ихлосмандлари, мактабларнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, ёш ижодкорлар қатнашди.

— Ҳар гал Муҳаммад Юсуф шеърларини ўқиб, она-Ватанни севиш, ота-онани қадрлашни ўрганаман, ўзгача завқ оламан, — дейди 20-мактаб ўқувчиси Севара Юлчибоева. — Тадбирда севимли ижодкорнинг яқинлари билан танишиб, шоир ҳақида янги маълумотларга эга бўлдим.

Бундай тадбир тумандаги 16-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўтказилди.

Саидакмал РАҲМОНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жалақудуқ туман кенгаши раиси

«Чинобод санаторийси» ОАЖда «Соғлом бола — соғлом оила меваси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Унда тиббиёт фанлари номзоди, психолог Абдували Носиров маъруза қилиб, санаторийда «Соғлом бола тиббий психологик маслаҳатхонаси» ишга тушганига эътиборни қаратди. Тадбирда соғлом бола тарбияси учун барча бирдек масъул эканлиги таъкидланиб, кашандалик, гиёҳвандлик қандай салбий оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» ОАЖ маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

Танлов

Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидаги илмий тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бораётган 30 ёшгача бўлган олимлар иштирокида «Йилнинг энг фаол ёш олими» танлови ташкил этилмоқда. Ўсимлик моддалари кимёси институти ёш тадқиқотчилари ўртасида бўлиб ўтган танловнинг биринчи босқичида иштирокчилар қизиқарли маърузалар билан иштирок этишди.



Кейинги босқичга йўлланма

— Белгиланган шартларга асосан иштирокчилар илмий фаолиятининг долзарблиги, мавзу юзасидан нашр қилинган илмий ишлари, монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп китоблар муаллифлиги, республика ва халқаро конференциялар ҳамда грантлардаги иштироки, ихтиролар, илмий-техник ишланмалар асосида янги, илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг тажриба-саноат намуналари яратилганлиги, янги технологияларнинг жорий этилганлиги, ўзининг инновацион лойиҳа ва технологияси билан республика инновация ярмаркасида фаол иштирок этиб, тегишли натижаларни қўлга киритганлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими, Ёш олимлар кенгаши раиси Расул Оқманов. — Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳалардаги иштироки, шунингдек, Давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги, патент ва муаллифлик гувоҳномалари, жамоат ишларидаги фаоллиги инобатга олинмоқда.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, институт кичик илмий ходими Неъмат Валиев танловнинг кейинги босқичига йўлланма олди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

РЕКЛАМА ЎРНИДА

O'ZSANOATQURILISHBANK

Ҳозирги кунда ёшларнинг иқтидор ва интилишини молиявий қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ва тадбиркор ўғил-қизларни улкан ютуқлар сари руҳлантиришда уларга бўлган эътибор ҳамда рағбат беқиёс аҳамиятга эга. «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан ушбу йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёш тадбиркор – юртга мададкор

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида шундай тадбирлардан бири ўтказилди. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор!» шиори остида уюштирилган танлов Термиз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи Қумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнес ғояларига бағишланди. Ўз навбатида, талабалар ўқиш давомида тўплаган билимларини амалда қўллаб, бизнес ғоялар тақдимотларини ҳимоя қилдилар. Якуний босқичда ҳар бир коллеждан 6 нафар ғолиб аниқланиб, уларга қимматбаҳо совғалар ва имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар топширилди.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни комил инсон қилиб тарбиялаш йўлида олиб бораётган одил сиёсати, биз ёшларга билдираётган ишончи келажакка бўлган умидимни орттириш билан бирга Ватаним ривожи учун астойдил меҳнат қилишимга ундайди.

Мен «Ёш тадбиркор юртга мададкор!» танловида аҳоли ва ташкилотларга сифатли уруғлик кўчатлар етиштиришда муқобил энергия ҳисобига ишловчи «Иссиқхона ташкил қилиш» учун тузган бизнес ғоям билан иштирок этдим. «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан вилоятимиз ёшларини кичик бизнесга жалб этиш орқали вилоятимизда ишбилармонлик муҳитини янада кенгайтириш йўлида қилинаётган ишлар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Хусусан, ушбу тадбирда фахрли 1-ўрин ғолиби бўлишим муносабати билан банк менга «ноутбук» компютери совға қилди. Ва, шу билан бирга, ўз бизнес ғоямни амалга ошириш учун имтиёзли кредит олиш бўйича сертификат тақдим этилиши эса келажагим учун катта аҳамиятга эга бўлди. «Ўзсаноатқурилишбанк» орзуларим рўёбга ошишига сабабчи бўлгани учун ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди хурсандчилигини яшира олмай Қумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ҳожиакбар Жайловов.

Лойиҳанинг яна бир ғолиби Термиз иқтисодиёт коллежи «Банк иши» йўналиши талабаси Исломбек Сафаров ҳам олган таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Танловда ўзимнинг компютерларни таъмирлаш ва дастурлаш бўйича илк лойиҳам билан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олдим.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш борасида улкан имкониятлар яратиб берилмоқда. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, коллежда олган ўз билим ва кўникмаларимни янада ошириб, келгусида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман. Бундай орзуларимга яқинлашишга сабабчи бўлган коллежимга ҳамда шундай тадбирларни ташкиллаштирган «Ўзсаноатқурилишбанк»ка миннатдорчилигимни билдираман.

Нуртожи САФАРОВ,
Термиз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори:

— Муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга бўлган эътиборининг ёрқин намунаси бўлган, 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони соҳага оид кўпгина масалаларга ойдинлик киритди.

Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сурхондарё минтақавий филиали ташаббуси билан ўтказилган мазкур танлов коллеж ўқувчи ва битирувчиларини ўзлари эгаллаётган билим ва кўникмаларини амалга оширишларида катта мактаб вазифасини ўтайди.

Ушбу тадбир банкнинг йирик ва ишончли мижози бўлган «NOVA PHARM» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш биносида ўтказилди. Тадбир давомида корхона раҳбари жаноб Ражиндра Кумар келган меҳмонларни ҳамда коллеж талабаларини корхонанинг ривожланиш тарихи, шунингдек, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан таништирди. Ўз тажриба ва малакаси билан ўртоқлашди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес фаолиятига жалб қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали томонидан коллеж битирувчиларига 2013 йилда 185 миллион сўм кредит маблағи ажратилган бўлиб, 2014 йилда 450 миллион сўм миқдорида, яъни ўтган йилга нисбатан 2,4 баробардан зиёд кредит маблағи ажратилиш режалаштирилган. Бинобарин, амалга оширилаётган ушбу ишлар келажакда шу ҳудуд бизнес муҳитини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

«BANKEXPO — 2014»

Мамлакатимиз раҳбарининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар доирасида ўтказилаётган энг муҳим тадбирлардан бири бўлмиш Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BANKEXPO — 2014» 7-миллий кўргазмасида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ҳам фаол иштирок этди. Икки кун давом этган тадбирда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ стендига кўпгина ёш тадбиркорлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аҳоли ва пойтахтимиз меҳмонлари ташриф буюрди. Унда банк томонидан жорий қилинган янги хизмат турлари — «Шахсий кабинет» ва «Уй банки» хизматлари тақдимоти ўтказилди.

Кўргазма доирасида энг яхши лойиҳаларни тақдим этган 15 нафар тадбиркор қимматбаҳо совғалар ва имтиёзли кредит сертификатлари билан тақдирланди. Кўргазма якунига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ «Энг фаол инвестицион банк» номинациясида ғолиб деб топилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Муҳаммад Юсуфни дастлаб унинг ижоди орқали таниганман. 1976 йили «Ёшлик баёзи» тўпламида бир гуруҳ ёш шоир ва ёзувчиларнинг илк асарлари қаторида Муҳаммад аканинг ҳам бир неча шеърлари чоп этилди. Ўшанда унинг шеърларидаги соддалик ва халқчиллик эътиборимни тортди. Энг муҳими, улар жуда самимий ва юракка яқин эди. Бир мунча вақт ўтиб, «Ёшлик» журналида бир туркум шеърлари чоп этилди.

Ҳақсеварлик жону дили эди

«Ўзбекистон» нашриётида ишлаганимда Муҳаммад ака Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг шеърият бўлимида хизмат қиларди. Нашриётларимиз битта қаватда жойлашганиданми, тез-тез кўришиб турардик.

Кўпинча у кишини Шавкат Раҳмон, Миразиз Аъзам, Азим Суюн каби таниқли шоирлар билан гурунглашиб ўтирган ҳолда учратардим. Илк танишишимиз ҳам қизиқ бўлган: Муҳаммад ака «Сизни анча ёшга кирган одам деб юрардим, аксинча, мендан ҳам ёш экансиз», деганди кулиб.

Кейинчалик Муҳаммад ака Ёзувчилар уюшмасида иш бошлади. Мен телевидениенинг «Ўзбекистон» каналига қарашли «Мусиқа» муҳарририятида «Қўшиқ — маънавият кўзгуси» кўрсатувини тайёрлардим. Кўрсатувнинг мухлислари кўп эди. Ҳамон эсимда. Кўрсатувнинг навбатдаги сонларидан бирини ижодий ҳамкорлик мавзуига бағишладик. Ўша пайтда Муҳаммад аканинг шеърлари кетма-кет хонандалар томонидан қўшиқ қилиб айтилаётган, уларни халқ севиб қаршилаётган эди. Шунинг учун ҳам кўрсатувга Муҳаммад Юсуф ва у билан ижодий ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ҳамда таниқли бастакор Алишер Расуловни таклиф қилдик. Муҳаммад ака кўрсатувни Ёзувчилар уюшмасида тасвирга олишни маслаҳат берди.

Кўрсатувда ижодий ҳамкорликнинг аҳамияти, ютуқ ва камчиликлари борасида рўйи рост, очиқ гапирилди, Муҳаммад аканинг шеърлари билан айтилган, ижодий ҳамкорлик натижасида юзага келган қўшиқлардан намуналар берилди. Кўрсатув эфирга узатилгач,томошабинлар томонидан кўплаб қўнғироқлар бўлди, яхши фикрлар билдирилди. Албатта бу муваффақиятда Муҳаммад аканинг юракдан қуйилиб келаётган шеърлари, қимматли фикрлари, дилбар қўшиқлари алоҳида рол ўйнади.

Муҳаммад Юсуф нафақат ёзган шеърларида, балки кундалик ҳаётда ҳам тўғрисўзлиги билан ажралиб турар, керак бўлса, ҳақиқатнинг қарор топиши учун курашарди. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бир куни Муҳаммад ака билан кўришганимизда, айрим хонандалар ижро этган қўшиқлари телевидениенинг бадиий кенгашидан эмин-эркин ўтиши учун қўшиқ матнини Муҳаммад Юсуф шеъри деб тақдим этаётганликларини айтдим. Шунда у киши бироз ўйланиб турди-да, «Энди қайси хонанда бадиий кенгашга менинг шеърим билан айтилган қўшиқ олиб келса, телефон қилинг, аниқлаб бераман» деди (Ўша пайтда мен муҳарририятнинг бадиий кенгашида эфирга узатиладиган қўшиқлар матни бўйича ҳам масъул эдим). Орадан кўп вақт ўтмай, қўшиқлари билан эндигина танилиб келаётган ёш хонандалардан бири муҳарририятга келиб, «мана бу шеърни қўшиқ қилиб айтмоқчиман, кўриб берсангиз», деб қўлимга бир варақ қоғоз тутқазди. Ўқиб чиқиб, шеърнинг ҳали анча хомлиги, талабга жавоб бермаслигини айтдим. У эса: «Бу шеърни Муҳаммад Юсуфнинг шахсан ўзлари мен учун ёзиб бердилар» деди.

Шунда шоирнинг сўзлари эсимга тушиб, дарров унга қўнғироқ қилдим. Салом-аликдан сўнг, мақсадга кўчдим. Муҳаммад ака «шеърдан бир парча ўқинг-чи» деди. Ўқидим. Эшитиб кўргач, «Бу шеърни мен ёзмаганман» деди. Овозидан қаттиқ асабийлашаётгани сезилиб турарди. Хайрлашиб, гўшакни жойига қўйганимга қадар, гап нимадалигини сезган хонанда, хайрлашишни ҳам насия қилиб, жўнаб қолибди...

Дарҳақиқат, халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф шеърлари бизга қанчалик қадрли бўлса, кечирган қисқа ҳаёти ҳам шунчалик ўрнак бўларлидир.

Туроб НИЁЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодида она-Ватанга муҳаббат ўзгача жўшқинлик билан тараннум этилган. Шу боис ҳам унинг шеърлари ҳар бир инсоннинг қалбида ўчмас из қолдиради.

Чексиз эҳтиром

О, ота маконим.
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним
тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман
бедапоянгга.

Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Шоирга илк илҳом бахшида этган ҳам туғилиб ўсган қишлоғи, у ерда яшайдиган одамлар бўлгани, шубҳасиз. Шоир таъбири билан айтганда, «Чекка бир қишлоқнинг, чекка уйида», яъни Марҳамат туманининг Қовунчи қишлоғидаги ота ҳовлиси, у ердаги бетакрор табиат гўзалликлари, адирлар, бедапоялар, инсонларнинг ўзгача муносабатлари, халқ тилидан куйланган достону қўшиқларнинг, лапарларнинг оҳанги ва маъноси ёш шоир қалбини ром этиб, ижодида яққол намоён бўлади. Кейинроқ юрт кезган, дунёни англаган шоир, ўзининг «Иқрор» шеърида оддийгина қиёс билан Ватан шаънини кўкка кўтаради.

Бугун Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан шоир туғилиб ўсган Марҳамат туманида кенг қамровли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. У таълим олган 25-умумтаълим мактабида таъмирлаш ва ободонлаштириш, юбилейга ҳозирлик ишлари авжида. Тумандаги таълим масканларида шоир тавалудига бағишланган кўплаб учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Шоир туғилиб ўсган Қовунчи қишлоғида Муҳаммад Юсуф уй-музейини таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. У дафн этилган қабристонда ҳам ҳашар ташкил этилиб, ободонлаштирилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ЭЪЛОН

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ

«Ishonch» газетасининг 2014 йил 12 апрель, 66 (31.656)-сонида берилган Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Янги Тошкент айланма йўли ёқаси, «Пегас агро мастер» МЧЖ ерларида жойлашган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича танлов савдосини ўтказиш ҳақидаги эълон Зангиота туман ҳокимлигининг 2014 йил 14 апрелдаги №021/86-сонли хатига асосан бекор қилинганлигини маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни 147-40-00, 233-06-59 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган. RR – №0008.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси автожамланма диспетчери Абдувоҳид Абдуразақовга онаси **ЯШНА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси «Бўстон санаторияси» МЧЖ директори Фарида Акбаровага акаси **Ўткир ГАДАЙБАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кимё соҳаси бўйича республика касаба уюшма қўмитаси жамоаси қўмитанинг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси **Собир ТЎЛАГАНОВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2014-yil 15-aprel № 47 (3396)

СПОРТ

Ходимлар гимнастикаси

Тўлқинжон одатдагидек бугун ҳам ишхонасига барвақт етиб келди. Кўча кийимини спорт либосига алмаширди-да, мураббий ҳамроҳлигида ерталабки гимнастика машқларини бошлаб юборди. Ҳадемай бошқа ҳамкасблари ҳам қаторидан жой олишди...

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

Машғулотлардан сўнг барча ходимлар ювиниб-тараниб, хоналарига йўл олишди. Ана шундай гимнастикадан сўнг ҳар ким кун давомида ўзини қушдай енгил сезиши, иш унумдорлиги самарали бўлиши аниқ.

Таъкидлаш лозимки, Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида оммавий спорт ишлари йил сайин жонланиб бормоқда. 2012 йили спорт зали тўла таъмирланиб, ишга туширилди. Спорт инструктори тайинланди. Ҳар куни ерталаб ходимлар иш вақти бошлангунга қадар мутахассис кўмагида гимнастика машқларини бажаришади. Тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг шаҳар, вилоят босқичларида жамоа хотин-қизларининг қўли баланд келаётгани ҳам бежиз эмас.

— Соғлом турмуш тарзи камҳаракатлик туфайли юзага келувчи турли касалликлардан сақлайди. Бу борада касаба уюшмаларининг фаолияти эътиборга лойиқ, — дейди вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази раҳбари, сенатор, вилоят КУТБК аъзоси Холида Алимова. — Бу борада ЎзКУФКнинг ходимлар гимнастикасини ташкил этиш бўйича тавсияси айни муддао бўлди.

Вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилмоқда. Спорт йўриқчилари ва бошқа масъуллар бириктирилиб, унинг мунтазам ва узлуксиз ўтказилиши назоратга олинган.

Дастлабки мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ходимлар меҳнат фаолияти самарадорлиги ортиб, касалликлар камаймоқда.

Бу борадаги фаолият вилоят КУТБК томонидан оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши баробарида, бирлашма веб-сайтига ҳам жойлаштирилмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бир оғиз ширин сўз инсонга кун бўйи хуш кайфият улашади. Касб ва ёшга мос гимнастиканинг аҳамияти бундан-да зиёда. ЎзКУФКнинг корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётганлар учун ходимлар гимнастикасини ташкил этиш бўйича қарори — аъзолар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС

— Корхонамиз барча цех ва бўлинмаларида радио хизмати йўлга қўйилган бўлиб, ходимлар гимнастика бевосита шу тизим хизмати асосида бошқарилади. Ҳар куни ерталаб ҳамда соат 15:00да бадантарбия машқлари олиб борилади. Ишчи ва ходимлар ортиқча вақт йўқотмасдан, гуруҳ-гуруҳ бўлган ҳолда мазкур машқларда иштирок этишга одатланишган. Бундан ташқари, муҳташам спорт саройи ва бир қанча спорт заллари шуғулланувчилар ихтиёрида, — дейди «Навоийазот» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Феруза Файзиева.

Барча ташкилот, корхона ва муассасаларда ходимлар гимнастикаси ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир.

Ф. МАРДИЕВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

Энг яхши ходим — руҳий хотиржам, жисмонан тетик кишидир. Бу сифатларга эга инсон масъулиятни қалбдан ҳис этади. Касаба уюшма ташкилоти етакчиси сифатида айни масалага жиддий ёндашишга ҳаракат қиламан. Бир неча йилдирки, маъмурият билан ҳамкорликда ташкилотимизда ходимлар гимнастикасини йўлга қўйганмиз. Мураккаб ускуналар билан ишловчи ходимларимизнинг хавфсизлиги, саломатлиги уларнинг билим ва тажрибасидан ташқари, бардам ва тетиклигига ҳам боғлиқ. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида корхонамиз ҳудудидаги спорт комплекси доимий равишда фаолият юритиб келмоқда. Спорт залида баскетбол, волейбол, мини футбол каби спорт турлари билан шуғулланиш учун барча жиҳозлар етарли. Шунингдек, замонавий услубда жиҳозланган спорт майдончамизда доимий равишда цехлараро футбол мусобақаси ташкил этиб борилади.

РУҲАН ХОТИРЖАМ, ЖИСМОНАН ТЕТИК

700 га яқин ходим меҳнат қилувчи жамоамизнинг 114 аъзоси хотин-қиздан иборат. Уларнинг саломатликларини тиклаш, спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш ҳам устувор мақсадларимиздан. Хусусан, аёллар учун тренажёр зали ташкил этилган бўлиб, спорт йўриқчилари ҳамиша кўмакка шай. Спорт йўриқчилари ҳар бир смена олдидан енгил жисмоний машқлар ўтказишни ҳам йўлга қўйишган.

Ходимлар гимнастикасини йўлга қўйишда соғломлаштириш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Фахр билан айта оламизки, корхонамизнинг бу борада ҳам омади чопган. Корхонамиз ҳудудида «Соғломлаштириш маскани» ташкил этилган бўлиб, ходимларга бепул хизмат кўрсатади. Бош шифокор, олий тоифали терапевт Шокиржон Мирзараҳимов бошчилигидаги жамоа саъй-ҳаракати билан ходимларимиз шу ернинг ўзида малакали тиббий ёрдам олишади.

Соғликнинг қадрини инсон кўпинча кечикиб англайди. Истаймизки, ходимларимизда шундай армон бўлмасин. Бунинг учун кучимиз, ҳаракатимиз ва сармоямизни аямаймиз.

Абдураҳим ҚОЗОҚОВ,
«Учқўрғон дон маҳсулотлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

ЎзКУФКнинг «Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ишчи-ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, иш унумдорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим қадам бўлди. Қарорнинг ижроси ўлароқ, кўпгина корхона, ташкилот ва муассасаларда ишни гимнастика билан бошлаш анъанага айланмоқда.

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Хусусан, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ташкилотчилари ва касаба уюшма Қарши шаҳар кенгаши ходимлари ҳар куни ишни якдилликда гимнастика машқлари билан бошлашмоқда.

Биз гоҳида уч-тўрт соатлаб компютер олдида ишлаймиз ёки ёзув-чизув билан машғул бўламиз. Табиийки, бундай ҳолларда мия ва кўзларимиз толиқиши, бўйин ва белда, оёқда оғриқлар сезилади. Ходимлар билан иш оралиғида 3-4 дақиқа танаффус қилиб, енгилгина гимнастика машқлари бажаришга ўтдик. Қувонарлиси, ўзим ва бошқа ҳамкасбларимда тетиклик, ишга бўлган иштиёқнинг янада ошиши, руҳий қувватнинг ортиши кузатиляпти.

Кенгашимизга 150 та бошланғич ташкилот уюшган бўлиб, 30025 педагог ва талабанинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинади.

Қарор ва ундаги тавсияларни барча бошланғич ташкилотларимизга етказдик. Бундан ташқари, «Яшариш сирлари» қўлланмаси асосида диск тайёрлаб, уларни ҳам мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, мактабдан ташқари муассасаларда ишловчи ҳамда нодавлат сектордан жалб қилинган аъзоларимизга тақдим этдик. Унга кўра, таълим муассасаларида дарслар бошланишидан олдин, ерталаб ва туш пайтида педагоглар гимнастика билан шуғулланмоқда. Шунингдек, бошланғич синфлар ўқувчиларининг дарс пайтида 2-3 дақиқалик машқлар бажариши йўлга қўйилди.

Гимнастика барча корхона ва ташкилотларда ходим ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланишига асло шубҳа йўқ.

Шерзод ЙЎЛДОШЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси

Кўклам неъматлари

Гўзал табиат шунчалар саховатлики, унинг инъомларини санаб адоғига етиш қийин. Шифобахш ўсимликларнинг хосияти қадим замонлардан одамларга маълум бўлган ва улардан турли касалликларни даволаш учун фойдаланиб келинган. Шулардан бири ялпиздир.

Ялпиз хосияти

У миллий таомлар тайёрлашда ва халқ табобатида кенг фойдаланиб келинаётган шифобахш гиёҳ ҳисобланади. Уни халқ тилида «ҳулбўй», «зулба», «нарпиз», «жалбус», «нано», «пудина» деб аташади. Ялпиз ватанимизнинг деярли барча вилоятларидаги нам ерларда, ариқ бўйларида, адир ва тоғ этакларида ўсади. Ялпиз таркибида эфир мойлари, ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, незлиол, жасмин, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар ва яна бир қатор моддалар мавжуд. Абу Али ибн Сино шундай дейди: «Ялпизда қиздирувчи ва буриштирувчи куч бор. У барча истеъмол қилинувчи сабзавотлар ичида энг жавҳари, энг латифидир. Агар ялпиз шохлари сутга ташланса, сут ивимайди. Унинг ширасиси сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқишини тўхтатади. Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардоби ичиб турилса, веналарни кенгайтиради. Ялпизни қайнатиб ичиш моховга фойда қилади. Унинг ширасиси қовуқдаги қуртларни ўлдиради. Ялпиз меъда ва эрлик уруғини маҳкамлайди, ҳиқичоқ ва қон қусишни тўхтатади, овқатнинг сингишига ёрдам қилади, сариқ касалига фойдали».

Халқ табобатида ялпиздан жигарнинг сурункали касталиклари, ўт йўллари яллиғланишини даволашда, тиш оғриғи, оғиз қақраши, милк яллиғланиши, иштаҳани яхшиловчи, овқат ҳазм қилувчи, ел ҳайдовчи, ич кетишига, кўнгил беҳузур бўлишига қарши восита сифатида фойдаланилади. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қўёнчиққа, ўсимлик ширасиси эса шақиқа ва сариқ касалига фойдали ҳисобланади. Айниқса, ялпиз шарбати қўтирни даволашда ижобий натижа бериши аниқланган. Ялпиз кўкракни юмшатиб, балғам кўчирувчи, чанқоқ босувчи ҳамда нафас йўллари касалликларининг олдини олувчи восита сифатида ҳам фойдалиги кузатилган.

Ялпизнинг эфир мойлари корвалол, валокардин, валидол каби юрак дориларини ва йўталга қарши пектуссинни тайёрлашда қўлланилади. Ялпизнинг қуритилгани меъда, ўт ҳайдовчи, терлатувчи, асабни тинчлантирувчи ва бошқа йиғмалар таркибига киради.

КЎНГИЛНИ КЎТАРИБ, ЯЛҚОВЛИКНИ ҚУВАДИ

Р.Собиров ва Х.Холматовларнинг келтирган маълумотларига қараганда, ялпизли суртма шиш ва оғриқдан холи қилувчи восита сифатида ишлатилиши мумкин. Айниқса қалампир ялпизнинг тинка қуриши, ҳолсизланиш, вабо, бод ва бошқа хасталиклар азиятини даф этиш қуввати мавжуд бўлиб, бавосир, ширинча ва бошқа касалликларда фойдали. Ялпизнинг ёқимли, муаттар ҳиди бош мия фаолиятини яхшилайди, киши кўнглини кўтаради, чарчаш ва толиқиш, дангасалик, ялқовликни қувади.

Ялпизларнинг барги ва барра новдалари турли мевалардан тайёрланган компотларга, конфет ҳамда чойга ҳид ва таъм беришда ишлатилади. Ялпиз мойи лимонад, ликёр, қандолат, консерва, упа-элик тайёрлашда қўлланади.

Ялпиз ошқўк, зиравор ҳамда шифобахш омил сифатида ишлатилишидан ташқари ундан баҳор пайтида жаг-жаг, исмалоқ, кўк пиёз, йўнғичқа ўтлари билан бирга чучвара, манти, нон, сомса тайёрлаб истеъмол қиладилар. Бундай таомлар кишига дармон бағишлаш билан бирга танани турли хилтлардан тозалайди. Организмни юқумли касалликлардан муҳофаза қилади. Ундан турли қурт-қумурсқалар, айниқса, қуяга қарши дори сифатида фойдаланиш мумкин.

Ялпизли чой оғриқни қолдирувчи, кўнгил айниши, ич дам бўлишини пасайтирувчи, овқат ҳазм қилувчи восита сифатида қўлланилади. Бунинг учун бир ош қошиқ майдаланган ялпиз баргига бир стакан (200 мл.) қайнаб турган сув қуйиб, 15-20 дақиқа дамлаб қўйиб, совуганидан кейин тоза докада сузиб, идишга қуйиб қўйилади. Катта ёшли кишилар овқатланишдан олдин бир ош қошиқда, мактаб ёшидаги болалар бир десерт қошиқда, мактаб ёшигача бўлган болалар бир чой қошиқ ичиши тавсия этилади. Тоғ ялпизи оғиз яраларига фойда қилиб, бурундаги чиқиндиларни туширади.

Қалампир ялпиз дори воситалари артериал қон босими пасайган беморларга тавсия этилмайди. Илмий тиббиётда хомашёдан дамлама, қайнатма, настойка, ментол олинади. Эфир мойи ва ментол ошқозон ширасини кўпайтиради, иштаҳани очади, ўт ҳайдайди, оғриқ қолдиради. Ялпиз барги ҳар хил йиғма чойлар, дорилар таркибига киради.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР:

- Ялпиздан дамлама тайёрлаш учун 2 чой қошиқ ялпиз баргини 250 мл. қайноқ сувда 30 дақиқа дамлаб, сузиб олинади. Дамламадан кун мобайнида бир қултумдан ичиб юриш ошқозон фаолиятининг бузилиш ҳолатларида, кўнгил айнишида ёрдам беради.
- Ялпиз, айниқса, анжир билан ейилса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилтларни ҳайдайди.
- Ялпиз, хусусан, ёввойиси иштаҳа камлигида, ошқозон заифлигида, ҳиқичоқ тутганда фойда қилади.
- Ялпизли кулчалар, ялпизли сув, ялпизли қайнатма кўнгил айнишини қолдирувчи, ўт ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Бунинг учун 5 грамм ялпиз барги 200 мл. сув билан 15 дақиқа паст оловда қайнатилиб, совигач, сузиб олинади. Қайнатмадан кунига ярим стакандан (100 мл.) 2 маҳал овқатланишдан 2 соат олдин ичилади.
- Доришунослик саноатида ялпиздан олинадиган эфир мойи валидол, корвалол, энатин, анестезол, зеленин томчиси, трасков эритмаси каби доривор воситалар таркибига киритилган бўлиб, бу дорилар юрак қон томирларининг беихтиёр қисқаришида (спазмаси) ҳамда юрак касалликлари билан оғриган беморларга тавсия этилади.
- Ҳўл ялпиз арпа унига аралаштирилиб пешонага суртилса, совуқ туфайли содир бўлган бош оғриққа шифо беради.
- Ялпизни туйиб тилга босилса, унинг дағаллигини йўқ қилади ва агар у чайналса, тиш оғриғини тўхтатади.
- Ялпиз шарбати истеъмол қилинса, қон кетишини ва қон қусишни тўхтатади, кўкрак ости аъзолари ва елкадаги оғриқларга шифо бўлади.

Ярим литрлик чойнакка 4 та ялпиз барги солиниб, устига озгина қора чой солиб дамланади. Ушбу дамлама ҳиқичоқни тузатади.

ЭСЛАТМА: *ялпизни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш бод пайдо қилади ва агар ҳаддан зиёд ейилса, томоқда қичишиш пайдо бўлади. Ушбу зарарларни даф этмоқ учун петрушка ейиш тавсия этилади. Ялпиздан кунида бир марта ейиш миқдори 9 граммгача.*

Кимёхон СУЛТОНОВА,
олий тоифали шифокор

Тиббиёт

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда германиялик мутахассисларнинг ҳамкорлиги туфайли саломатликка доир тадбирлар кўлами кенгаяётир.

КАРОМАТ ГЕРМАНИЯДА ДАВОЛАНАДИ

Маълумки, ўтган йили бир гуруҳ самарқандлик болалар тажрибали немис шифокорлари кўмагида ўз саломатликларини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган эдилар. Каттақўрғон туманида яшовчи Каромат Дўсмуродова шулардан бири. Унинг туғма дарди самарали муолажалар оқибатида анча ортга чекинди. Бу йил ҳам 70 нафар тенгдоши қатори германиялик шифокорлар кўригидан ўтган Каромат Дўсмуродовага Германия замонавий шифохоналарида даволаниш имконияти яратилди.

— Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ташкил этилган кўрик натижасига кўра таянч ҳаракат аъзоларида туғма нуқсони бор 12 нафар бола Германияда даволанади, — дейди «Соғлом авлод учун» фондининг вилоят бўлими бошлиғи Раҳима Раҳмонова.

Дарвоқе, айни кунларда вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази Германиянинг «KFW» банки томонидан ажратилган 1 миллион 340 минг евро миқдоридаги сармоя ҳисобига реконструкциядан чиқарилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кўргазма

Тошкент Фотосуратлар уйида «Бирга кулишайлик» деб номланган катта кўргазма бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси графика шўъбаси томонидан ташкил қилинган. Кўргазмадан юртимизда ижод қилаётган 14 нафар ҳамда «Дунёнинг 100 та энг яхши карикатурачи рассоми» ва «Катта карикатура энциклопедияси» рейтингига кирувчи таниқли карикатурачи рассомларнинг асарлари ўрин олди.

Бирга кулишайлик

Маълумки, сатира-юмор азалдан одамзодга яқин ҳамроҳ бўлиб келаётган санъат туридир. У ўткир ижтимоий — «гротеск» ёки енгил маиший ҳазил-мутойиба кўринишларида намоён бўлади. Унинг графикадаги яна бир ўта қизиқарли, кўтаринки кайфият уйғотувчи жанри — «шарж», яъни, аниқ танлаб олинган шахс ташқи кўриниши, феъл-атворига оид ўртоқлик ҳазилидир. Бундай йўналишдаги асарлар орасида энг муносиблари Шавкат Музаффар, Ҳусан Содиқов, Орифжон Мирзаев каби рассомлар ижодидан мустаҳкам ўрин олган...

Мамлакатимизда ушбу санъат турига қаратилаётган эътибор натижасида ҳажвиянинг графикадаги талқини жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, инсонларнинг маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий тарбиясида бир восита сифатида тобора ривожланиб бормоқда. Одамларга ҳаётдан завқланиб яшаш, хушчақчақ кайфиятда юриш ва шу билан бирга, ўз қусур, камчиликларидан қутулиш йўл-йўриқларини излаб топиш сабоқларини бермоқда.

Карикатурачилар эътиборидан экология, атроф-муҳитни авайлаб сақлаш ва уни келажак авлодларга етказиш каби кенг миқёсдаги долзарб мавзулар ҳам четда қолмаган. Бундай асарлар одамларни ҳушёрликка ундовчи чақириғи билан алоҳида ажралиб туради. М.Эшонқуловнинг бу мавзулардаги карикатуралари кўргазма очилиши маросимида алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. У жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтган кўплаб нуфузли кўргазмаларнинг совриндори, бир қанча олтин, кумуш медаллари соҳиби.

Баҳром ТОЖИЕВ,
санъатшунос

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.10
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 2 3 5